

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ
ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ҚУРБАНБАЕВ САГИТ ЕРЕЖЕПОВИЧ

**АМУДАРЁ ДЕЛЬТАСИДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ САМАРАЛИ
БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

11.00.03—Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё.

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФАРАТИ**

Тошкент–2018

Техника фанлари бўйича диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences

Курбанбаев Сагит Ережепович

Амударё дельтасида сув ресурсларини самарали бошқариш усулларини
такомиллаштириш..... 4

Курбанбаев Сагит Ережепович

Совершенствование методов эффективного управления водными
ресурсами в дельте Амударьи 21

Kurbanbaev Sagit Erejepovich

Improvement of the methods of efficient management water resource in delta
of Amudarya..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ
ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ҚУРБАНБАЕВ САГИТ ЕРЕЖЕПОВИЧ

**АМУДАРЁ ДЕЛЬТАСИДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ САМАРАЛИ
БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

11.00.03—Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё.

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФАРАТИ**

Тошкент–2018

Техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T139 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз, (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Духовный Виктор Абрамович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саломхиддинов Абдулҳаким Темирхўжаевич
техника фанлари доктори, профессор

Соколов Вадим Ильич
география фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.10.02 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг «13» 02 2018 йил соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент ш, Қори Ниезий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-22-09, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (— рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниезий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-22-67, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «10» 02 кун тарқатилди.
(2018 йил «10» 02 даги № 10 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Султонов

Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.А.Янгисев

Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Ш.Х.Рахимов

Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, т.ф.д. проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш усулларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни туғри тақсимлаш ва узлуксиз етказиб бериш усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада кўпгина хорижий мамлакатларда, жумладан Исроил, Россия, АҚШ, Хитой ва бошқа давлатларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш, туғри тақсимлаш ва сув объектларининг, жумладан гидротехник иншоотларнинг самарали ва хавфсиз ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда кўл ва сув омборларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан сув ресурсларини бошқариш ва тақсимлаш усулларини, сув ҳавзалари ва сув омборларнинг узлуксиз ва хавфсиз ишлаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикада турли хил тежамкор технологияларни қўллаш йўли билан сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув хўжалиги объектларининг хавфсизлиги ва ишончилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш усулларини такомиллаштиришни амалга ошириш зарур ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш»¹ таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан сув хўжалиги объектларининг хавфсиз ва ишончли ишлаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон 2017-2021 йилларда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон «2013-2017 йиллар даврида ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича чора тадбирлар» туғрисидаги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 320-сон «Сув хўжалигини бошқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш» ва 2013 йил 19 мартдаги 82-сон «Ўзбекистон Республикасида сувни ишлатиш ва истъеомол қилиш тартиби низомини тасдиқлаш туғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

меъёрий-хукукий хўжжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Табиатдан самарали фойдаланиш ва экология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина олимлар, жумладан Ташмухамедов Б., Духовний В.А., Разаков Р.М., Чуб В.Е., Мягков С.А., Чембарисов Э.И., Якубов М.А. томонидан сув ресурсларидан фойдаланиш, сув хўжалигидаги шароитни ривожлантириш ва қараб чиқиладиган ҳудуддаги маҳаллий ҳавзаларни яратиш бўйича илмий ва табиий шароитда изланишлар олиб борилди ва олинган натижалари сув ресурсларни тақсимлаш ва бошқаришни такомиллаштирилишига ва ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Маҳаллий шароитда ҳам қатор изланишлар олиб борилди, жумладан «Амударё дельтасида сунъий бошқариладиган ҳавзалар яратиш бўйича изланишлар» (1993), «Амударё дельтасида сунъий бошқариладиган ҳавзалар яратиш» (2001), сув ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг асосий стратегияси ишлаб чиқилди, гидротехник иншоотлар, дамба ва бошқа объектларнинг ҳавфсизлигини таъминловчи таклиф ва тавсиялар берилди. Олиб борилган изланишлар асосида лойиҳалар ишлаб чиқилди, жумладан «Амударё дельтасида сунъий бошқариладиган ҳавзалар яратиш бўйича таклифлар», Амударё дельтасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди, дельтадаги ҳавзаларни қайта қуриш бўйича ҳар хил вариантлар ишлаб чиқилди ва шулар асосида дельта тўғарагида сув ресурсларини бошқариш моделининг назарий асослари яратилди.

Сув ресурсларини тақсимлаш ва ҳисобини олиб бориш бўйича муаммоларни ўрганишга аҳамиятли ҳисса қушилишига қарамадан қатор муаммолар мавжуд, ўларнинг ечими сув ресурсларини бошқариш ва тақсимлаш тизимларни баҳолаш ва асослаш учун муҳим. Бунга сув ресурсларини тақсимлаш ва бошқаришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, сув ресурслари келиб тушиш прогнози ва миқдорини баҳолаш каби муаммолар киради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтти илмий тадқиқот ишлари режасининг 1/93–сон «Сунъий бошқариладиган сув ҳавзаларини барпо этиш» (1993-1995), 07-01-99-сон «Табиий антропоген-экологик режимни қайта тиклаш ва дельтани соғломлаштириш мақсадида зарур тадбирларни ишлаб чиқиш» (1999), 05/01-сон «Амударё дельтасида яйлов, ем-хашак етиштириш ҳудудларини сув билан таъминлаш учун сунъий бошқариладиган сув ҳавзаларини яратиш ва қайтма сувлардан такрор фойдаланиш бўйича тадқиқотлар» (2001-2003), 02/01-05-сон «Амударё этакларида оқимни тадқиқ қилиш ва тақсимлаш асосида экологик, иқтисодий ва санитариялик оқизишни меъёрлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб

чиқиш» (2005-2007), 03/09-сон «Сув ҳавзалари сифатига баҳо бериш ва Оролбўйи минтақасида экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш» (2009-2011) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади Амударё дельтасидаги сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш ва самарали бошқариш усулларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сув ресурслари танқислиги шароитида сув хўжалиги ва экологик объектларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш;

Амударё дельтасидаги сув ҳавзаларининг муҳимлиги ва устуворлиги асосида уларга сув етказиб бериш тартибини ишлаб чиқиш;

Амударё дельтасидаги сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш ва тақсимлаш усулларини ишлаб чиқиш;

Амударё дельтаси шароити учун сув ресурсларини бошқариш ва тақсимлашнинг ҳудудга мослаштирилган гидрологик моделини такомиллаштириш;

Амударё дельтасида сув ресурсларини самарали бошқариш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Амударё дарёси ва унинг дельтаси, Амударё дельтасида жойлашган сув ҳавзалари ва сув хўжалиги объекtlари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Амударё дельтасидаги сув хўжалигидаги вазият, Амударё дарёси дельтасида жойлашган ҳавзалардаги сув объекtlари ва гидротехник иншоотлари, сув ресурсларнинг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолати, дельтаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва барқарор бошқариш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида дала ва экспериментал, сув баланси, гидрокимёвий, табиий-аналогли тизимли таҳлил, компьютер моделлаштириш, аналогли ва математик моделлаштириш усуллари фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тахиатош гидроузели орқали Амударё дельтасига сув чиқариш режимини аниқлаш усуллари Амударёнинг сув билан таъминланиш даражаси асосида ишлаб чиқилган;

Амударё дельтасида сув ресурсларини самарали бошқариш усуллари ва дельта комплексининг гидравлик кўрсаткичлари асосида сув ресурсларини бошқариш гидрологик модели такомиллаштирилган;

Амударё дельтасидаги сув ҳавзаларининг аҳоли ва халқ хўжалиги учун муҳимлиги асосида уларга сув етказиб бериш тартиби ишлаб чиқилган;

Амударё дельтасида сув ҳавзаларидан фойдаланиш устуворлиги мавжуд сув ресурсларнинг ҳажми ва сифати асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Амударё ҳавзасида сув хўжалиги ўзгариши шароитида Амударё дельтасига сув чиқариш режими ишлаб чиқилган;

моделлаштириш жараёнида дельтадаги кўллар ва сув омборларини сув билан таъминлашнинг оптимал варианты ишлаб чиқилган (Амударё дельтасининг Амударё буйи зонаси мисолида);

сув ресурсларини самарали бошқариш усуллари ва дельта комплексининг гидравлик кўрсаткичлари асосида сув ресурсларини бошқариш гидрологик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дельта кўллари сув режимининг белгиланган сонли шаклланиш қонунийлиги сўнгги 15 йил давомида ўтказилган табиий шароитда олинган тадқиқотлар билан тасдиқланганлиги, сув хўжалиги объектларининг параметрлари ер устидаги тадқиқотлар анализи ва космик суратларни дешифровка қилиш асосида олинган натижаларнинг бир бирига мослиги (Междуречие сув омбори мисолида), ушбу тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мосликлар ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти кўллар ва сув омборларининг майдони, кўлами, сатҳи, чуқурлиги ва уларни боғловчи каналлар асосида кўллар ва сув омборлари тизимидаги тузилмавий алоқаларни акс эттирувчи мослаштирилган гидрологик моделни ишлаб чиқиши, ушбу сув комплексларни лойиҳалаш, барпо этиш ва уларни ишлатишнинг оптимал вариантини қабул қилиш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти Амударё дельтасидаги сув ресурсларини самарали бошқариш усул ва вариантлари ишлаб чиқиши, келгусида ўларни назорат қилиш, прогноз қилмоқ ва бошқариб бориш, сув ресурсларини самарали бошқаришни такомиллаштириш буйича олинган натижалар келгусида бир бирига ўхшаш объектларни лойиҳалаш имкониятларини яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амударё дельтасида сув ресурсларини бошқариш усуллари такомиллаштириш буйича олинган натижалар асосида:

Амударё дельтасида сув ресурсларини самарали бошқариш усуллари ва дельта комплексининг гидравлик кўрсаткичлари асосида такомиллашган сув ресурсларини бошқариш гидрологик модели натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қўйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Орол буйи майдонларида Амударё дельтасини сув билан таъминлашда жорий қилинди (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 14 феврал 01/04-276-сон маълумотномаси). Натижада минтақадаги сув ҳавзаларига сув ресурсларидан узлуксиз равишда таъминлаш ва ҳавзалар ён бағрида яшовчи 25000,0 мингдан ортиқ Порлитау, Шега, Кизилжар қишлоқлари аҳолисига ўз вақти ва муддатида керакли ҳажмда сув етказиб бериш имконини яратди;

Амударё дельтасида таҳлил қилинган йилларнинг сув билан таъминланганлиги асосида ишлаб чиқилган сув чиқариш режими

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш кўмитаси тасарруфидаги Муйнок ва Қўнғирот туманлари бўлинмаларидаги атроф мухитни муҳофаза қилиш дастуридаги тегишли ер майдонларида жорий қилинди (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 14 февраль МА-01/13-283-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон Республикасининг Муйнок ва Қўнғирот туманларидаги Орол буйи аҳолиси, сув хавзалари ва ер майдонларини сув ресурслари билан узлуксиз таъминланишига имкон ярати;

сув хўжалиги ҳолати ўзгариши шароитида ишлаб чиқилган Амударё дарёси дельтасини сувлантириш режими Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Орол буйи дельта бошқармасининг минтақавий сув хўжалиги ишларни бажаришда ишлаб чиқаришга жорий қилинди (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 14 феврал 01/04-276-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида Амударё дарёси дельтасида жойлашган мавжуд сув сув омборлари ва хавзаларини белгиланган тартиб ва кетма-кетлик билан тўлдириб борилиши сув ресурсларидан тежамкор ва оқилона фойдаланишга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг асосий натижалари илмий нашрларда эълон қилинган ва апробациядан утган, шундан: «Судочие кўли тизимини қайта тиклаш» (Нукус, 2002), «Амударёнинг куйи қисмида экологик ҳолатни қайта тиклаш» (Урганч, 2003), «Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг жаҳон тажрибаси ва илғор технологиялари» (Ашгабат, 2010), «Жанубий Орол бўйида биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш» (Нукус, 2010), Хитой Халқ Республикаси Фанлар академияси Экология ва география институтида (ХХР, Урумчи, 2015), Иорданиядаги халқаро конференцияда (Dryland Systems Launch Meeting, Амман, 2013), мавзуларидаги республика ва халқаро илмий конференцияларда баён қилинган ва ТИҚХММИ қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (Ташкент, 2017) ва унинг Қорақалпоғистон филиали (Нукус, 2015–2017) Илмий кенгашларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 12 таси республика, 2 таси хорижий журналларда ва 1 та монография нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 - бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амаллий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш рўйхати келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Амударё дарёси дельтасининг қисқача табиий хўжалик шароити»** деб номланган биринчи бобда минтақанинг табиий-хўжалик шароитларининг, жумладан иқлим, экологик, қишлоқ хўжалик шароитларининг ўзига хос хусусиятларига тўхталиниб, Амударё дельтасидаги сув ресурслари ва объектларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Минтақанинг халқ хўжалик аҳамиятига ва дарё оқимининг камайиши оқибатида дарё дельтасига келтирилган ижтимоий-иқтисодий зарарга баҳо берилган.

«Амударё дарёси дельтаси доирасида сувнинг келиб тушиши» деб номланган иккинчи бобда дельта доирасида дарё ва коллектор сувларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган. Дельта доирасида сув ресурслари Амударё суви, шунингдек, коллектор сувлари ҳисобидан шаклланади. Ер ости сувлари деярли фойдаланилмайди.

Дельта ҳудудига келиб тушадиган сувнинг сарфланиши бўйича кўп йиллик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, умуман айрим серсувли йилларни (2005, 2009, 2010 гг.) ҳисобга олмаганда, сув оқимининг умумий ҳажми йилдан йилга камайиб бормоқда. Дельтага келиб тушадиган сув сарфи бўйича кўп йиллик маълумотлар маълум математик статистика усули билан ҳисоблаб чиқилди.

Дарё сувининг ўзгаришини бўйича кўп йиллик (1931-2016) қатор маълумотларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, ўларни 3 характерли даврга ажратиш йўли билан амалга оширса бўлади:

- серсувли давр (1931-1964 йй. ўз ичига олади);
- ўтиш даври (1965-1980 йй. тўғри келади);
- кам сувли давр (1981-2016 йй. тўғри келади).

Саманбай гидропости дельта доирасига келиб тушадиган сув миқдорини қайд қилувчи нухта ҳисобланади. Умуман олганда бу нухтадан ўтувчи катта сув сарфи ($2500-3000 \text{ м}^3/\text{с}$) камайиб бормоқда. 2000-2016 йй. оралиғида серсувли йиллар (2010, 2005, 2015) келиб тушиши 3 мартаба қайталанди. Қолган йиллар ўрта ва кам сувли йиллар сирасига киради. Коллектор сувлари билан таъминланувчи Судочие, Каратерен ва қатор бошқа қўллардаги сув ҳажми сўнгги йиллари камайиб бормоқда. 1 - жадвалда сўнгги йилларда канал ва коллектор сувлари ҳажмининг ўзаро нисбати фоиз ҳисобида келтирилган.

Кўп йиллик маълумотлар таҳлили Амударё суви сифатининг ёмонлашаётганлигини кўрсатмоқда. Буларнинг асосий сабаби бир томондан Амударё дарёси ўзанига катта хажмдаги коллектор сувларининг ташланиши бўлса, иккинчидан дарёнинг умумий сув билан таъминланганлигининг пасайиши бўлиб топилади.

Шу сабабли Амударё дарёси суви минерализациясининг кўпайиши кўзатишмоқда. Дельтага тушадиган дарё сувларнинг кескин танқислиги туфайли кўпчилик сув ҳавзалар асосан коллектор-зох сувлари билан таъминланмоқда.

1- жадвал

Амударё дельтасига канал ва коллектор оқимлари келиб тушишининг ўзаро нисбати

Йилнинг сув билан таъминланганлиги	Умумий хажми млн. м ³	Таъминланиш манбаи	Сув хажми, млн. м ³	%
Серсувли	17900	Суғориш канали	16817	94
		Коллектор суви	1083	6
Ўрта сувли	9700	Суғориш канали	8948	92
		Коллектор суви	762	8
Кам сувли	169,6	Суғориш канали	101,1	60
		Коллектор суви	68,5	40

Диссертациянинг «Дельта кўллари ва сув омборларининг ҳозирги кунги ҳолати» деб номланган учинчи бобида дельтанинг гидрографик тизими ва сув ҳавзаларининг ҳолати урганилган.

Ўз вақтида Муйноқ, Аджибой, Рибачие, Думолоқ, Жилтирбас ва Судочье кўллар тизимлари денгиз кўлтиқлари бўлиб келган ва ўзаро алоқага эга бўлган.

Орол денгизи сатҳининг пасайиши натижасида денгизнинг саёз қисмида қуриб кетиш жараёни бошланди, Аджибой, Жилтирбас кўлтиқларида сув тўлиқ йўқ бўлган бўлса, Муйноқ, Рибачие майдонлари кескин қисқарган. Ҳозирги пайтда дельта кўллари ўзининг озиқланиш режимига кўра 3 та типга ажратса бўлади:

- а) амударё суви билан таъминланадиган кўллар;
- б) коллектор сувлари билан таъминланадиган кўллар;
- в) аралаш сувлар билан таъминланадиган кўллар.

Сув билан таъминланганлик характери ва истъёмол қилинаётган сув сифатига қараб Амударё дельтаси территориясини 3 та зонага ажратиш мумкин (1 -расм):

1. Амударё буйи зонаси – дарёдан сув оладиган дельта ичидаги кўллар.
2. Чап қирғоқ зонаси – коллектор сувларидан сув оладиган Судочье, Каратерен, Машанкўль кўллари.
3. Ўнг қирғоқ зонаси – аралаш сувлардан сув оладиган Жилтирбас, Каратерен кўллари.



1 – расм Амударё дарёси дельтасининг схематик харитаси

2-жадвалда Амударё дарёси дельтасида жойлашган сув ҳавзаларининг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

2- жадвал

Амударё дарёси дельтасида жойлашган сув ҳавзаларининг асосий кўрсаткичларининг ҳозирги кўнги ҳолати

Кўл ва сув ҳавзаларининг номи	Майдони, минг. га	Керакли сув хажми, млн. м ³	Сув сатҳи, м	
			Н макс	Н мин
Междуречие	32,0	352,0	57,4	54,0
Рибачие	6,4	104,0	52,2	49,6
Муйноқ	9,75	163,0	51,7	49,6
Судочие	44,0	650,0	52,7	52,1
Каратерен	18,0	234	52,0	52,4
Каражар	34,0	442	52,4	52,2
Жилтирбас	28,5	477	52,1	49,2

Умунан олганда шуларни айтиш мумкинки, коллектор сувларидан озикланувчи Чап ва Ўнг қирғоқ зоналари сув ҳавзаларида сувнинг гидрокимёвий и гидробиологик ҳолатининг ёмонлашуви кўзатилмоқда, шўрланиш даражаси ошиб бормоқда ва шунга мос равишда ушбу кўллар ўз халқ хўжалик аҳамиятини юқотмоқда. Йил сайин шўр босган ер майдонлари кўпайиб бормоқда ва қамишзор ареаллари камайиб бормоқда. Амударё буйи зонасига келсак, бу ерда келгуси ривож топиш аҳволи Амударё дарёсидан етказиб берилган чучук сув хажмига боғлиқ.

Диссертациянинг «Дельтани моделлаштиришнинг назарий асослари ва бошқаришнинг математик асоси» деб номланган тўртинчи бобида мавжуд сув ресурсларидан асосан сув кам йилларида оқилона фойдаланиш учун, барча истъомолчилар талабини ҳисобга олган ҳолда, ҳавзаларни тўлдириш режимини

таъминловчи ва назорат қилувчи муқаррар изчиллик ташкил қилиш орқали сув бериш режимни ва рационал бошқариш принципларини манипуляция қилувчи гидрологик модели ишлаб чиқилган.

Масала ечимининг асосий принциплари бошқаришнинг математик асослари бўлиб топилади, яъни эксплуатация қилиш жараёнида ишлатиладиган модель бўлиб ҳисобланади.

Жараёнларнинг умумий таърифи сув ресурсларининг келиб тушиши ва оқиб кетиши, ҳавзаларнинг сув бети ва минерализациясининг ва дельтадаги сув ҳавзалари акваториясининг ўзгаришини акс эттирувчи оддий учта дифференциал тенгламалар тизимига асосланган.

Сув ҳавзалари тизимини бошқариш режаси тизимнинг ҳозирги ҳолати ва сув ресурсларнинг йилнинг охиригача келиб тушиш прогнозига таянади ва гидротехник иншоотларнинг сув ресурсларини реал тақсимлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Бу масаланининг ечими баланснинг асосий элементларини ўз ичига олган қуйидаги келтирилган математик моделга таянади:

$$\frac{dW}{dt} = Q_p - q_r - q_E - q_f \quad (1)$$

бу ерда $\frac{dW}{dt}$ - (t) вақт бирлигида ҳар бир ҳавзага алоҳида сув хажмининг ўзгариши:

Q_p - дельтага сувнинг келиб тушиши;

q_r , - ўзан суви юқотилиши; q_E - буғланиш; q_f - фильтрация;

Моделга киритилувчи баланс элементлари:

$Q_p = Q_p(t)$ - момент вақтида Саманбой гидропости орқали кириб келувчи умумий сув хажми (жадвал кўринишда сув сарфининг ўртача ойлик маълумотлари киритилади);

$q_{s1(t)} = q_1(t, w_1(t), w_2(t))$ - Главмясо каналидаги гидротехник иншоотни бошқариш (сув ўтказувчанлик қобилятига, Междуречие ва Муйноқ сув омборлари сувининг ҳозирги ва критик сатҳга (ҳажмга) боғлиқ);

$q_{s2(t)} = q_2(t, w_1(t), w_3(t))$ - Маръинкин каналидаги гидротехник иншоотни бошқариш (сув ўтказувчанлик қобилятига, Междуречие ва Рибачие сув омборлари сувининг ҳозирги ва критик сатҳга (ҳажмга) боғлиқ);

$q_i^E = q_i^E(t, s_i w(t))$ - сув юзасидан буғланиш, момент вақти, майдони ва сув хажмига боғлиқ; $i = 1, 2, 3$ (жадвал кўринишда буғланишнинг ойлик маълумотлари киритилади);

$q_i^f = q_i^f(t, s_i w(t))$ - сувнинг фильтрацияси, момент вақти, майдони ва сув хажмига боғлиқ; $i = 1, 2, 3$ (жадвал кўринишда фильтрациянинг ойлик маълумотлари киритилади).

Юқоридаги параметрлар асосида қуйидаги тенгламани оламир:

1. W_1 ҳавзаси учун (Междуречие сув омбори)

$$\frac{dW_1(t)}{dt} = Q_{p(t)} - q_{r(t)} - (q_{s1(t)} + q_{s2(t)}) - q_{1(t)}^E - q_{1(t)}^f \quad (2)$$

2. W_2 ҳавзаси учун (Рибачие сув омбори)

$$\frac{dW_2(t)}{dt} = q_{s1(t)} - q_{2(t)}^E - q_{2(t)}^f \quad (3)$$

3. W_3 ҳавзаси учун (Муйноқ Рибачие сув омбори)

$$\frac{dW_3(t)}{dt} = q_{s2(t)} - q_{3(t)}^E - q_{3(t)}^f \quad (4)$$

Моделнинг асосий шакли қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) Маълумотларни киритиш.

б) Модул ҳисоб китоби.

в) Натижаларни таҳлил қилиш ва кўриш.


Маълумотларни киритиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Саманбой гидропости бўйича характерли ($Q_{\max}$ (2010), $Q_{\text{ўр}}$ (2003) ва $Q_{\min}$ (2001)) йиллар учун сув сарфи ҳақидаги маълумотлар.
2. Ўзандаги сув сарфининг юқотилиши ҳақидаги маълумотлар. Саманбой гидропости билан Междуречие сув омбори орасидаги масофа – 140 км ни ташкил қилади. Рогов М.М. маълумотларига кўра 1800-2000 м³/с тенг максимал сув сарфи ўтганда юқотилиш кўрсаткичи 25-26% тенг бўлган.
3. Сув юзасидан кўзатиладиган буғланиш ва шимилиш туғрисидаги маълумотлар.
4. Сув объеклари туғрисидаги маълумотлар.
5. Дельтанинг асосий сув ҳавзаларида сув ҳавзалари ҳажмининг сув сатҳига нисбатан ўзгариши W/H .


Маълумотлар модель схемасида йиғилади ва сақланади, кейин ҳисоб-китоб қилиш учун узатилади.

Ҳисоб-китоблар схемасининг асоси сифатида SFP NATO 974357 (В.А. Духовний, Ю. Шуттер, А.И. Тучин, 2003) лойиҳаси дойрасида ишлаб чиқилган модели қабул қилинган ва сув объектларнинг бугунги кунги кўрсаткичлари билан тузатишлар киритилди. Модель Visual C# программалаш тилидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди.


Серсув йил учун асосий модель ҳисоб-китоби натижалари 2,3 – расмларда келтирилган (ҳозирги ҳолат, 2010). Ўртача йил учун асосий модель ҳисоб-китоби натижалари 4,5 – расмларда келтирилган (ҳозирги ҳолат, 2003). Сув кам йил учун асосий модель ҳисоб-китоби натижалари 6,7 – расмларда келтирилган (ҳозирги ҳолат, 2001).




2 - расм. Амударё дельтасидаги Амударё бўйи зонасида келиб тушадиган сувнинг сув баланси кўрсаткичларига нисбатан улуши (2010, серсув йил учун, ҳозирги ҳолат)




4 - расм. Амударё дельтасидаги Амударё бўйи зонасида келиб тушадиган сувнинг сув баланси кўрсаткичларига нисбатан улуши (2003, ўртача йил учун, ҳозирги ҳолат)




6 - расм. Амударё дельтасидаги Амударё бўйи зонасида келиб тушадиган сувнинг сув баланси кўрсаткичларига нисбатан улуши (2003, сув кам йил учун, ҳозирги ҳолат)



3 - расм. Междуречье сув омборига келиб тушадиган ва чиқиб кетадиган ортиқча ҳар кунлик сув ҳажмининг ўзгариш графиги (2010, серсув йил учун, ҳозирги ҳолат)



5 - расм. Междуречье сув омборига келиб тушадиган ва чиқиб кетадиган ортиқча ҳар кунлик сув ҳажмининг ўзгариш графиги (2003, ўртача йил учун, ҳозирги ҳолат)



7 - расм. Междуречье сув омборига келиб тушадиган ва чиқиб кетадиган ортиқча ҳар кунлик сув ҳажмининг ўзгариш графиги (2001, кам сувли йил учун, ҳозирги ҳолат)

Сув билан таъминланганлик даражасининг ҳарҳил вариантлари модель ҳисоб-китоблари натижаларига кўра (оптимал варинантни киритган ҳолда) денгизнинг қуриб кетган тагига ташланадиган қайтмас ортиқча сувнинг қиймати аниқланди (3 - жадвал).

**Амударё дельтасидаги Амударё буйи зонасида сув хажмининг тўпланиши
(бугунги кунда ва келгусида) ва ортиқча сувнинг ташланишини
кискартириш қийматлари фарқи**

Йилнинг сув билан таъминланганлиги	Умумий сувнинг келиб тушиши	Ўзанда сувнинг юқотилиши	Йиғилган сув хажми, млн. м ³								Ташланадиган ортиқча сув хажми, млн. м ³		
			Бугунги ҳолат				Лойиҳавий ҳолат				Бугунги ҳолат	Лойиҳавий ҳолат	Фарқ
			Умумий хажми	Ёгин-сочин	буғланиш	филътрац	Умумий хажми	Ёгин-сочин	буғланиш	Филътрац			
2010	16817,7	4204,4	619,0	0,71	17,7	1,770	1169	1,05	31,4	3,14	12102,2	11617,2	485,0
2003	8948,53	894,9	619,0	0,40	16,1	1,614	1166	0,70	29,1	2,91	7534,4	7053,1	481,3
2001	101,079	0,0	218,8	0,20	4,95	0,495	297	0,30	6,67	0,66	0,0	0,0	
оптималь	879,36	43,97	553,0	0,39	13,3	1,336	1020	0,57	17,1	1,71	391,4	0,0	

Ҳисоб-китоблар қуйидаги натижалари кўрсатди. Саманбай г/п дан 879,3 млн.м³ га тенг сув хажми оқиб ўтганда, (Междуречие, Рибачие ва Муйноқ ҳавзалари тўла ҳолатда) ташланадиган ортиқча сувнинг қиймати нолга тенг, шундай экан, 879,3 млн.м³ дан ортиқча берилган сув барча ҳавзаларнинг дамба ва қирғоқларни ёриб ўтишига боғлиқ аниқ хавф туғдирилиши мумкин.

Ушбу сув ҳавза тизимларини ишлатишда биринчидан Муйноқ ва Рибачие ҳавзаларини тўлдирилишини назорат қилиш ва «Главмясо» ва «Марьинкин» сув ўтказгич иншоотларни ёпиқ ҳолатга келтириш зарур ва ундан кейин ортиқча сув Междуречие сув омборининг сунъи ўпирилма жойларидан ёки қурилиш ишлари тугагандан кейин “Бортли” сув ўтказгич орқали ташланади.

Диссертациянинг **Дельта қўллар ва сув омборлари комплексини эксплуатация қилиш»** деб номланган бешинчи бобида сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш йўли билан дельтанинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини қайта тиклаш бўйича тавсиялар берилган. Хусусан, минтақада жойлашган ҳамма ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи янги ташкилот тузиш таклиф қилинади.

Минтақада дарё дельтасини марказлаштирилмаган ҳолда бошқаришнинг бугунги аҳволи аслида амалий натижа бермайди, айниқса сув ресурслари танқислигининг кучайиши шароитларида. Мавжуд бошқарувнинг сувни ортиқча ишлатиши, сув сифатига ва экологик ҳолатга бепарво муносабати Амударё дельтасида кескин ҳолатни келтириб чиқарди. Янги тузилма – Оролбўйини ривожлантириш, қайта тиклаш, қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш ишларига масъул бўлган мустақил ташкилот сифатида дарё дельтасидаги сув ҳавзалари тизимини бошқариш хизматини ташкил қилиш зарурати пайдо бўлгани сўзсиз.

Бундай тузилма сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишга боғлиқ ҳамма масалалар билан шуғулланадиган Амударё дельтаси сув истъеъмолчилари Ассоциацияси (СИА) бўлиши мумкин.

Мазкур ташкилот нафақат дельтада сув ресурсларини бошқариш, балки сув хўжалиги объектларини (дамбалар, иншоотлар, ирригацион каналлар ва дренаж тармоғи) таъмирлаш ва қайта тиклаш, шунингдек, сув сифатини яхшилаш ишлари билан ҳам шуғулланади. Барча мавжуд сув ҳавзалари унумдорлигини қайта тиклаш муаммосини, табиий комплексларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш масалаларини ҳал қилиш лозим.


Бугунги кунда дельтада фаолият юритувчи ҳар бир тармоқ ўзининг бевосита вазифалари билан шуғулланади ва турли идора ва вазирликларга бўйсунди. Демакки, табиий-хўжалик ва сув хўжалиги комплексларини ягона бошқариш тизими йўқ, тармоқлар орасида ўзаро алоқа йўлга қўйилмаган ва бу охир-оқибатда табиат ресурсларидан нотўғри фойдаланишга ва табиат ресурсларининг камайиб кетишига олиб келади.

Дельтада жойлашган ҳамма ташкилотлар, жумладан турли ишлаб чиқариш тармоқлари, шунингдек, дельта ва дарё бўйи сув ҳавзаларида сув ресурсларини комплексли бошқариш фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида дельтани бошқариш бўйича Республика Консорциумини ташкил қилиш масаласини ҳал қилиш вақти келди.

8-расмда таклиф қилинаётган Консорциумнинг дастлабки тузилиш схемаси келтирилган.

Бундай «Консорциум» тузиш ташаббуси илк маротаба олға сурилмоқда, ва, албатта, уни амалга ошириш борасида қатор муаммолар юзага келиши мумкин, чунки бу иш турли даражадаги муассасаларда муҳокамадан ўтишни талаб қилади. Бундай муҳокамалар давомида ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда тузилмавий жиҳатдан ўзгартириш эҳтимоли мавжуд.

Лекин дельтада табиий ресурсларни оққилона ва комплекс бошқариш ҳамда муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан «Консорциум» тузишнинг таклиф қилинаётган схемаси ўзининг ижобий натижаларини бериши сўзсиз.



8 - расм. Консорциумнинг тузилиш схемаси.

Юқорида айтиб ўтилганидек, сер сув йиллари Амударё дельтасида жойлашган сув ҳавзалар ва уларни боғловчи каналлар (Главмясо ва Марьинкин, Амударё буйи зонаси) бугунги ҳолати 619.0 млн. м³ га тенг сув ҳажмини ўз ичига сиғдириш имконига эга, ортиқча сув ҳажми эса қайтмасдан Орол денгизининг қуриб кетган тагига ташланмоқда. Мўлжалланаётган тадбирларни (ҳавза дамбаларни ошириш ва каналларни реконструкция қилиш) амалга оширган ҳолда ҳам дельтадаги мавжуд ҳавзалар 756 млн. м³ дан кўп сув ҳажмини қабул қилиш имконига эга эмас. Шу вазиятни ҳисобга олиб, ишлатиш жараёнида, асосан кам сувли йиллари ҳар бир сув ҳавзага алоҳида сув бериш навбатига амал қилиш учун шароитлар ташкил қилиш зарур.

Ўзининг аҳамиятлиги ва талабгорлигига кўра дельтадаги ҳавзалар орасида асосий ҳавза бўлиб Междуречие сув омбори ҳисобланади ва йил давомида сувни талаб қилади. Қолган Рибачие ва Муйноқ сув ҳавзаларнинг режими асосан Междуречие сув омбори режимига чамбарчас боғлиқ. Дельтанинг бошқа шўрланган, яъни Судочие, Жилтирбас, Коратерен ва бошқа қатор ҳавзалари эса асосан коллектор сувларининг етказиб берилишига боғлиқ. 4 – жадвалда дельта кўллариининг асосий характеристикалари ва уларга сув бериш навбати ва зарурлиги келтирилган.

Қолган иккинчи (Чап қирғоқ зонаси) ва учинчи (Ўнг қирғоқ зонаси) асосан коллектор ва аралаш сувлари билан таъминланиб, тегишли равишда ўта паст унумдорликка эга. Ушбу ҳавзалардаги сувнинг сифати ўта паст бўлиб, уларни келгусида ўзлаштириш мақсадга мувофиқ эмас (5 - жадвал).

Сув ҳавзаларини ушбу тартиб ва кетма-кетликга риоя қилиш мавжуд сув ресурсларни оқилана ва тежамкор фойдаланиш имконини беради.

4 - жадвал

Сув ҳавзаларининг асосий характеристикалари ва уларга сув бериш навбати

Ҳавзалар номи	Майдон, минг. га	Ўртача чуқурл иги, м	Сув олиш манбаи	Минерали заъияси, г/л	Сув бериш навбати ва зарурлиги		
					зарур	керакли	Серсув йиллари
Междуречие	32,0	1.1	дарё	1,0-1,2	+	+	+
Рибачие	104,0		дарё	1,0-1,2	-	+	+
Муйноқ	163,0		дарё	1,0-1,2	-	+	+
Судочие	44,0		коллек	3,5-4,0	-	+	+
Жилтирбас	744,0		коллек	2,5-2,7	-	+	+

5-жадвал

Ҳозирги даврдаги сув ҳавзаларининг унумдорлигини баҳолаш

Зоналар	Сув ҳавзалари тизимининг номи	Сув сифати	Унумдорлик, 10 балллик шкала бўйича	Устунлик, 5 балллик шкала бўйича
I	Междуречие	Яхши	9	4
	Рибачие	Қониқарли	7	3
	Муйноқ	Яхши	7	3
II	Жилтирбас	Қониқарли	4	2
	Каратерен	Ёмон	3	1
	Судочие	Ёмон	2	1
III	Аджибай	Қуруқ	0	0
	Думалак	Қуруқ	0	0
	Каражар	Ёмон	0	1

ХУЛОСАЛАР

“Амударё дельтасида сув ресурсларини самарали бошқариш усуллари тақомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Амударё дельта комплексининг гидравлик кўрсаткичлари асосида тақомиллаштирилган сув ресурсларини самарали бошқариш усуллари ва сув ресурсларини бошқариш гидрологик модели натижалари асосида:
 - биринчи босқичда юқорида кўрсатилган учта сув ҳавзалари дамбаларининг бугунги кунги аҳволи, каналлар ва гидротехник иншоотларнинг сув ўтказувчанлик қобилияти ҳисобга олган ҳолда, улар фақат **619,0 млн. м³** га тенг сув ҳажмини ўз ичига сиғдириш имконига эгаллиги, Саманбой гидропости орқали ўтган ортиқча дарё суви эса денгизнинг қуриб кетган тагига ташланмоқдагиллиги аниқланди;
 - иккинчи босқичда ушбу сув ҳавзалари дамбаларида ва Главмясо и Маринкинузьяк каналларида қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари тугагандан кейин, яъни лойиҳавий кўрсаткичларга етказилганда, сув ҳавзаларининг ўз ичига сувни сиғдира олиш қобилиятини **1169,5 млн. м³** га ошириш мумкинлиги аниқланди. Натижада дельтадаги сув ҳавзаларда ўз ичига **550,0 млн. м³** га тенг қушимча сув ҳажмини сақлаб қолиш имконини беради;
2. Сув ресурсларини бошқариш гидрологик модель натижаларига кўра, серсув йиллари (2010й.) Междуречие сув омборига Саманбой гидропости орқали келиб тушадиган **16817 млн. м³** ҳажмга тенг умумий сув ҳажмидан (буғланиш, ёғин-сочин миқдори, шимилиш ва узанда сув йўқотилиши кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда) фойдали сув ҳажми қиймати **619,0 млн. м³** ни, ортиқча қайтмас сув ҳажми қиймати **12102,2 млн. м³** ни (Междуречие сув омборининг шимолий дамбасини очиш ва сувни денгизнинг қуриб кетган тагига оқизиш) ташкил қилганлиги аниқланди. Натижада сув ҳавзаларидаги сув ҳажми қийматини кўпайтиришга имкон беради.
3. Ҳисоб-китобларга кўра, белгилаб олинган тадбирлар амалга оширилгандан кейин (дамба ва каналлар реконструкцияси) сув ҳавзаларнинг (Междуречие, Рибачье и Муйноқ) ўз ичига максимал сиғдириш ҳажми **879,3 млн. м³** га ташкил қилганлиги аниқланди. Натижада минтақадаги яшовчи аҳоли узлуксиз равишда ичимлик ва хўжалик учун зарур чучук сув билан таъминланишига имкон яратилади.
4. Дельтанинг Чап ва Ўнг қирғоқ зоналардаги коллектор сувлари (минераллашуви литрга 6 граммгача бўлган КК-3, КС-1 и ККС коллекторлари) билан озиқланувчи сув ҳавзалари сувларнинг минерализацияси йил сайин ошиб бориши, сув сифати ёмонлашиши ва унумдорлиги эса пасайиб бориши кўп йиллик маълумотлар асосида таҳлили қилинди ва бу сув ҳавзалардаги кўрсаткичларни тиклаш мақсадида даврий равишда, асосан новеgetация даврида дарё ва каналлардан чучук сув билан таъминлаш лозимлиги аниқланди. Натижада

уларнинг келгусида бундан буён самарали ўзлаштирилишига имкон яратди.

5. Тадқиқотчи томонидан сув ресурслари бошқарув тизимини ва эксплуатациясини такомиллаштириш ва дельтанинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий имкониятларини тиклаш функцияларини ўз ичига оловчи янги ташкилот тузиш таклиф қилинган. Ҳозирги кунда дельтада фаолият олиб борётган ҳар бир соҳа бевосита ўз ишлари билан шуғулланади ва улар ҳар хил вазирлик ва муассасаларга буйсинади. Шундай қилиб, табиий-хўжалик комплексни бошқарувчи ягона тизим мавжуд эмас ва улар орасида боғлиқлик йўқ, ва бу охир-оқибатта табиий ресурслардан номувофиқ фойдаланилишига ва камайишига олиб келмоқда. Натижада мазкур ташкилот дельтадаги табиий-хўжалик комплексни бошқарувчи ягона тизим сифатида сув ресурсларини самарали бошқариш имконини очиб беради.
6. Амударё дарёси дельтасини бундан буён ўзлаштиришнинг устуворлиги асосида районлаштирилди, ҳар сув ҳавзасининг муҳимлигини асосида уларга сув бериш навбати ишлаб чиқилди, шунингдек сув ҳавзаларнинг бугунги ва келгусидаги самарадорлиги баҳоланиб, улар асосида учта зонага тақсимланди:
 - дельтанинг Амударё буйи зонаси (Междуречие, Рибачие и Муйноқ сув ҳавзалари) сув бундан буён ўзлаштиришга устувор зонаси сифатида баҳоланди.
 - дельтанинг Ўнг қирғоқ зонаси (Жилтирбас, Каратен сув ҳавзалари) чучук дарё суви берилмаса истиқболсиз зона деб ҳисобланади.
 - коллектор сувлари билан озиқланувчи деотанинг Чап қирғоқ зонаси ҳам (Судочье, Агушпа, Каратерен кўллар тизими), чучук дарё суви берилмаса истиқболсиз зоналар ҳисобланади.
7. Хулоса қилиб айтганда, Амударё буйи зонасида (Междуречие, Рибачие и Муйноқ сув ҳавзалари) сув ҳавзаларда келажакда яхши ҳолатни сақлаб қолиш имкониятга эга, қолган коллектор сувларидан озиқланувчи сув ҳавзаларида йил сайин сувнинг сифати ёмонлашмоқда ва улар яқин 15-20 йилларда дарё суви билан таъминланмаса ўзининг халқ-хўжалик аҳамиятини йўқотиши мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, кўриб чиқиладиган сув бериш навбати, шунингдек Амударё дельта комплексининг гидравлик кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилган сув ресурсларини бошқариш усуллари ушбу сув ҳавзаларнинг керакли ҳажм ва сифат даражасидаги сув билан узлуксиз таъминланишига имкон яратади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**НАУЧНО–ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ИРРИГАЦИИ И
ВОДНЫХ ПРОБЛЕМ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

КУРБАНБАЕВ САГИТ ЕРЕЖЕПОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ЭФФЕКТИВНОГО
УПРАВЛЕНИЯ ВОДНЫМИ РЕСУРСАМИ В ДЕЛЬТЕ РЕКИ АМУДАРЬИ**

11.00.03- Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Т.139.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте Ирригации и Водных проблем при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiame.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Духовный Виктор Абрамович

доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Салохиддинов Абдулхаким Темирхужаевич

доктор технических наук, профессор

Соколов Вадим Ильич

кандидат географических наук

Ведущая организация:

Национальный Университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «23» 02 2018 года в 14 часов на заседании Разового научного совета при Научном совете DSc.27.06.2017.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (Адрес: 100000, Ташкент, Кары-Ниязий, 39. тел./факс: тел.: (99871) 237-22-67; 237-22-09, факс: (99871) 237-22-09; e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (зарегистрировано № ____). Адрес: 100000, Ташкент, Кары-Ниязий, 39. тел (99871) 237-22-67.

Автореферат диссертации разослан «10» 02 2018 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «10» 02 2018 года).



Т.З. Султанов

Председатель Разового научного совета по
присуждению ученой степени, д.т.н.

А.А. Янгиев

Ученый секретарь Разового научного совета по
присуждению учёной степени, д.т.н.

Ш.Х. Рахимов

Председатель научного семинара
при Разовом научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из важнейших вопросов в мире является усовершенствование методов эффективного управления и рационального использования водных ресурсов. В этой связи особое значение имеют усовершенствование методов рационального использования, правильного и бесперебойного распределения водных ресурсов. Исследованиям в этом направлении во многих зарубежных государствах обращено особое внимание, в том числе в Израиле, России, Америке, Китае и других государствах по рациональному использованию и эффективному использованию водными ресурсами, в том числе обеспечению безопасной и эффективной работы гидротехнических сооружений и водных объектов.

В мире проводятся научно-исследовательские работы по усовершенствованию методов эффективного управления и рационального использования водных ресурсов в озерах и водохранилищах. В связи с этим основными задачами являются: совершенствование методов управления и распределения водных ресурсов, проведения научно-исследовательских работ по усовершенствованию режима работы водохранилищ и водоемов, обеспечению безопасной и бесперебойной их работы.

На сегодняшний день особое внимание уделяется рациональному использованию водных ресурсов, обеспечению надежности и безопасности водохозяйственных объектов, применяя разные водосберегающие технологии. В этом направлении, в том числе для обеспечения безопасности водохозяйственных объектов требуется внедрение совершенных методов рационального использования и эффективного управления водных ресурсов совершенствования методов управления и распределения водных ресурсов. В Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы подчеркивается: «...дальнейшее улучшение мелиоративного состояния, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов»¹. Реализация этих задач имеет важное значение, при проведении научных исследований, направленных на совершенствование методов безопасной и надежной работы водохозяйственных объектов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» в Указе ПП-1958 от 19 апреля 2013 года «О мерах по дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель и рационального использования водных ресурсов на период с 2013 по 2017 годы», в Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 21 июля 2003 года № 320 и «О совершенствовании организации управления водным хозяйством», от 19 марта 2013 года №82 «Об утверждении положения о порядке водопользования и водопотребления в Республике Узбекистан», а

¹Постановление Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан».

также выполнению установленных задач в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Рациональное природное использование и экология».

Степень изученности проблемы. Многими учеными, такими как: Ташмухамедов Б., Духовный В.А., Разаков Р.М., Чуб В.Е., Мягков С.А., Чембарисов Э.И., Якубов М.А. проведены научные и натурные исследования по использованию водных ресурсов и развитию водохозяйственной обстановки, созданию локальных водоемов рассматриваемой территории, в результате был внесен определенный вклад в развитие и совершенствование управления и распределения водными ресурсами.

На локальном уровне проведены ряд комплексных исследований «Создание искусственно регулируемых водоемов в дельте реки Амударьи» (1993), «Исследование по созданию искусственно регулируемых водоемов в дельте реки Амударьи» (2001), разработаны основные стратегии управления и использования водных ресурсов, предложения по обеспечению безопасности гидротехнических сооружений, дамб и других объектов. На основе этих исследований были составлены проекты «Предложение по созданию искусственно регулируемых водоёмов в дельте реки Амударьи», были проведены научно-изыскательские работы на территории дельты реки Амударьи, разработаны различные варианты переустройства дельтовых водоемов и на их основе создана теоретическая основа моделирования управления водными ресурсами в пределах дельты.

Несмотря на существенный вклад в изучение проблемы учета и распределения водных ресурсов, имеется ряд проблем, решение которых необходимо для обоснования и оценки систем управления и распределения водных ресурсов. К таким проблемам относятся разработка теоретических основ управления, распределения и использования водных ресурсов, количественная оценка водных ресурсов и прогноз притока водных ресурсов.

